

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ТЕМИРОВ ЎКТАМ ШАВКАТОВИЧ

**ҚИЗИЛҚУМ НОКОНДИЦИОН ФОСФОРITЛАРИ, ЧОРВА ВА
ПАРРАНДАЧИЛИК ЧИҚИНДИЛАРИ АСОСИДА ОРГАНОМИНЕРАЛ
ЎҒИТЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)

Темиров Ўктам Шавкатович

Қизилқум некондицион фосфоритлари, чорва ва паррандачилик
 чиқиндилари асосида органоминарал ўғитлар олиш технологияси..... 3

Темиров Уктам Шавкатович

Технология получения органоминаральных удобрений на основе
 некондиционных Кызылкумских фосфоритов, отходов
 животноводства и птицеводства..... 23

Temirov Uktam Shavkatovich

Technology for obtaining organic fertilizers based on sub-standard
 Kyzylkum phosphate rock, animal waste and poultry farming 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
 List of published works..... 47

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ТЕМИРОВ ЎКТАМ ШАВКАТОВИЧ

**ҚИЗИЛҚУМ НОКОНДИЦИОН ФОСФОРITЛАРИ, ЧОРВА ВА
ПАРРАНДАЧИЛИК ЧИҚИНДИЛАРИ АСОСИДА ОРГАНОМИНЕРАЛ
ЎҒИТЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Т333 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ionx.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Реймов Аҳмед Мамбеткаримович
техника фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Таджиев Сайфитдин Мухитдинович
техника фанлари доктори, профессор

Нурмуродов Тўлқин Исомуродович
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот

Наманган муҳандислик-технология институти

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ва Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «25» июнь 2019 йил соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60; факс: (99871) 262-79-90; e-mail: ionxanruz@mail.ru).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (5 - рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60.

Диссертация автореферати 2019 йил «11» июнь куни тарқатилди.
(2019 йил «11» июндаги 5 - рақамли реестр баённомаси).



Б. С. Закиров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

Д.С. Салиханова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, т.ф.д.

Абдурахимов С.А.
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда тупроқ унумдорлигини ошириш ва қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олиш учун турли ўғитлардан, айниқса органик минерал ўғитлардан фойдаланиш ортиб бормоқда. Органик минерал ўғитлар қўлланилганда тупроқлар унумдорлиги яхшиланади, озуқа моддаларини ўсимлик томонидан фойдаланиш даражаси, ҳосил сифати яхшиланади ва ҳажми ошади, ўсимликларнинг ўсиш жараёни жадаллашади, уларнинг ноқулай иқлим шароитларига ва турли кассаликларга бардошлиги ошади. Шу боис чорвачилик ва паррандачилик чиқиндиларидан органик минерал ўғитлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга.

Жаҳон миқёсида сифатли фосфорит хом ашё ресурслари ва қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириладиган тупроқлар таркибида гумус моддалари миқдори камайиб бораётганлиги сабабли чорвачилик, паррандачилик чиқиндиларини ва нокондицион фосфоритларни (НФ) қайта ишлашнинг янги усулларини жорий қилиш орқали органик минерал ўғитлар олиш технологияларини ишлаб чиқишда қатор, жумладан қуйидаги йўналишларда тегишли илмий ечимларни асослаш: қора мол ва парранда гўнғидан фойдаланиб НФ қайта ишлаб НФ таркибидаги фосфорни ўсимлик ўзлаштира олмайдиган шаклдан ўзлаштира оладиган шаклга ўтказиш; қора мол ва парранда гўнғи органик қисмини гумус моддаларига айлантириш мақбул шароитларини аниқлаш; НФ, қора мол ва парранда гўнғи асосида органик минерал ўғитлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш зарур.

Республикамизда кенг миқёсда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ва технологик ишланмалар натижасида агрокимёвий ва товар хоссалари яхшиланган аммиакли селитра, қишлоқ хўжалигининг эҳтиёжидан келиб чиқиб турли фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича муайян илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «...саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш...»¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан НФ, қора мол ва парранда гўнғлари асосида тупроқ унумдорлигини ва ўсимликлар ҳосилдорлигини оширадиган органик минерал ўғитлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта тамойили бўйича ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони ва 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикаси кимё саноатини тезкор ривожлантириш бўйича чоралари тўғрисида»ги, 2019 йил 3

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек мазкур соҳада қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабиётларда қора мол ва парранда гўнгларида торф, фосфорит хом ашёлари ва ишлаб чиқариш чиқиндилари фосфогипс қўшиб компостлаш ва бошқа усуллар билан органик минерал ўғитлар олиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари кенг ёритилган.

Жаҳон миқёсида М.А. Каровкин, А.В.Лазурский, И.И.Самайлов, И.С.Белюченко, О.А. Мельник, Д.А.Славгородская, Г.М. Нисанбаева, В.Н. Гукалов, И.В.Синявский, А.В. Казанцев, М.С.Манна, А.Субра Рао ва бошқа олимлар қора мол гўнги, парранда гўнги ва бошқа гумус табиатли органик ресурслар асосида органик минерал ўғитлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш ва уларни сифатини яхшилаш бўйича тадқиқотлар олиб борганлар.

Ўзбекистонда чорвачилик чиқиндилари, турли гумус табиатли хом ашё манбалари ва фосфорит хом ашёларидан фойдаланиб органик минерал ўғитлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш тадқиқотлари билан А.Т. Таджиев, Д.Т.Забрамний, Н.И. Победенецова, Ш.С.Намазов, Б.М.Беглов, Л.Ф.Мелников ва бошқалар шуғилланган. Лекин ҳозирги кунда республикамизда қора мол ва парранда гўнгларида органик қисми етарли даражада гумификацияланиб органик минерал ўғитларга қайта ишланмайди, ишлаб чиқарилаётган фосфорли ўғитлар миқдори қишлоқ хўжалиги таълабини таъминламайди. Шунинг учун қора мол ва парранда гўнгидан фойдаланиб НФ қайта ишлаб юқори самарали органик минерал ўғитлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш муаммосини ҳал этиш лозимдир.

Шуни ҳам қайд этиш керакки юқорида қайд этилган олимлар томонидан қора мол ва парранда гўнгидан фойдаланиб НФ қайта ишлаб унинг таркибидаги фосфорни ўсимлик ўзлаштира олмайдиган шаклдан ўзлаштира оладиган шаклга ўтказиш, қора мол ва парранда гўнги органик қисмини гумус моддаларига айлантириш мақбул шароитларини аниқлаш, парранда гўнгини минерал кислота билан нордонлаштириш ва нордонлашган маҳсулот билан НФ тезкор қайта ишлаб донлаштирилган органик минерал ўғитлар олиш, паст меъёردа нитрат кислота билан фаоллаштирилган НФ парранда гўнги билан қайта ишлаб органик минерал ўғитлар олиш бўйича ҳозирги кунгача илмий тадқиқотлар олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-А12-003 «Марказий Қизилқум фосфоритларини фосфорли компостга қайта ишлашнинг самарали ва

ресурстежамкор технологиясини ишлаб чиқиш» (2017-2018 йй.) инновацион лойиҳаси ва №16/17 «Қизилқум фосфорит комплекси минераллашган массасини самарали фойдаланиш бўйича технология ишлаб чиқиш» (2017-2019 йй.) хўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ишлаб чиқаришга чорвачилик, паррандачилик чиқиндилари ва нокондицион фосфоритларни (НФ) жалб қилиш билан кенг ассортиментдаги органик минерал ўғитлар олиш технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қора мол ва парранда гўнги ва НФ асосида компостлар тайёрлаб органик минерал ўғитлар олиш жараёнларини ўрганиш;

НФ, қора мол ва парранда гўнги асосида тайёрланган компостларга турли минерал ўғитлар, фосфогипс ва бентонит қўшиш орқали органик моддаларни гумификацияланиш ва фосфоритларни фаоллаштириш жараёнини жадаллаштириш;

нитрат кислота ёрдамида нордонлаштирилган парранда гўнги билан НФ қайта ишлаш орқали таркибида азот, фосфор ва гумус моддалари бўлган ўғит олиш;

НФ нитрат кислота билан паст меъёрда фаоллаштирилган маҳсулотни парранда гўнги ёрдамида қайта ишлаш асосида мураккаб гумусли ўғитлар олиш жараёнларини тадқиқ этиш;

қора мол ва парранда гўнгидан ажратиб олинган гумин кислоталарининг НФ билан ўзаро таъсирлашувини исботлаш;

органик минерал ўғитлар ишлаб чиқаришнинг моддий балансини тузиш ва технологик тизимини тавсия этиш, мақбул режимини аниқлаш;

таклиф этилаётган ўғитларнинг техник-иқтисодий ҳисоблари ва уларни агрокимёвий синовини ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти минераллашган масса (ММ), шламли фосфорит (ШФ), қора мол ва парранда гўнги, нитрат кислота, гумин кислоталардан (ГК) фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети ММ, ШФ, қора мол ва парранда гўнгини қайта ишлаш асосида органик минерал ўғитлар олиш ва маҳсулотларнинг таркиб ва хоссаларини ўрганиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда кимёвий, физик-кимёвий, ИҚ-спектроскопия, рентгенографик, масс-спектроскопик ва хроматографик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Қора мол ва парранда гўнгига НФ қўшиб компост тайёрланганда, органик моддалар фосфоритлар билан таъсирлашиши натижасида P_2O_5 ўзлашувчан шакли 6,5-7,0 баробар ортиши, компостлар таркибидаги фосфоритлар ҳисобига эса азотни 2,4 баробар, органик моддаларни 3 баробар йўқолишини камайиши, органик моддаларни гумификацияланиш даражасини 1,9 баробар ортиши асосланган;

НФ, қора мол ва парранда гўнги асосида компост тайёрлаш йўли билан органик минерал ўғитлар олиш жараёнларини мақбул режими аниқланган;

компостларга турли минерал ўғитлар ва агрорудалар қўшиш орқали органик моддаларини гумификацияланиши ва фосфатларни фаолланиши жадаллаштирилган;

нитрат кислотада парранда гўнгини нордонлаштириш ва нордонлаштирилган парранда гўнги билан НФ қайта ишлашнинг мақбул режими аниқланган;

НФ нитрат кислота билан паст меъёрда фаоллаштирилган маҳсулотини парранда гўнги ёрдамида қайта ишлаш асосида органик минерал ўғитлар олиш мақбул режими аниқланган;

биринчи маротаба НФ қайта ишлашга паррандачилик чиқиндиларини жалб қилиш йўли билан органик минерал ўғитлар олишнинг жадаллаштирилган технологиялари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

МҚ НФ, қора мол ва парранда гўнги асосида компост тайёрлаш, нордонлаштирилган парранда гўнги билан фосфоритларни қайта ишлаш, НФ нитрат кислота билан паст меъёрда фаоллаштирилган маҳсулотини парранда гўнги ёрдамида қайта ишлаш асосида органик минерал ўғитлар олиш технологиялари ишлаб чиқилган;

янги турдаги органик минерал ўғитлар ишлаб чиқаришнинг моддий баланси, технологик тизими ва жараёнларни мақбул технологик параметрлари ишлаб чиқилган;

органик минерал ўғитлар технологияларининг синовлари Навоий тоғ кон металлургия комбинатининг “Дўстлик” агрофирмасида ўтказилган, янги турдаги органик минерал ўғитларнинг тажриба партиялари ишлаб чиқарилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил натижалари лаборатория тажрибалари ва тажриба-саноат синовлари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти НФ, қора мол ва парранда гўнги асосида компост тайёрлаш йўли билан органик минерал ўғитлар олиш, компостларга турли минерал ўғитлар ва агрорудалар қўшиш орқали органик моддаларини гумификацияланиш ва фосфатларни фаоллаштириш жараёнини жадаллаштириш, нитрат кислотада парранда гўнгини нордонлаштириш ва нордонлаштирилган парранда гўнги билан НФ қайта ишлаш; НФ нитрат кислота билан паст меъёрда фаоллаштирилган маҳсулотини парранда гўнги ёрдамида қайта ишлаш; қора мол гўнги гумин кислоталарини НФ билан ўзаро таъсирлашуви, нокондицион фосфоритлар, чорвачилик ва паррандачилик чиқиндиларини қайта ишлаб органик минерал ўғитлар олиш жараёнларини системалаштирилган илмий, кимёвий, физик-кимёвий ва технологик тадқиқотларини ўтказиш ва асосий қонуниятларини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш қишлоқ хўжалигида ҳозирги кунда жуда

танқислиги сезилаётган гумусли ва фосфорли ўғитларни етиштириб беради. Ишнинг натижалари Қизилқум фосфорит комплексининг НФ паррандачилик ва чорвачилик чиқиндиларини ўғитлар ишлаб чиқаришига жалб этишга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. НФ, чорвачилик ва паррандачилик чиқиндиларини жалб қилиш орқали органик минерал ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ММ ва қора мол гўнги асосида компост тайёрлаш йўли билан органик минерал ўғитлар олиш технологияси Навоий кон - металургия комбинатининг “Дўстлик” агрофирмасининг “2018-2030 йилларда истиқболли ишланмалар рўйхати” га киритилган (“Навоий кон-металлургия комбинати” Давлат корхонасининг 15 январь 2019 йилдаги 02-06-03/608-сонли маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқаришга йирик тоннали чиқинди – ММ ва чорвачилик чиқиндилари жалб қилиниб, қишлоқ хўжалиги зарур бўлган фосфор-гумусли ўғитлар олиш имконини берган;

ММ нитрат кислотада тўлиқсиз меъёрда парчалаш ва ҳосил бўлган ярим махслулотни парранда гўнги ёрдамида қайта ишлаш йўли билан органик минерал ўғит олиш технологияси агрофирманинг “2018-2030 йилларда истиқболли ишланмалар рўйхати” га киритилган (“Навоий кон-металлургия комбинати” Давлат корхонасининг 15 январь 2019 йилдаги 02-06-03/608-сонли маълумотномаси) Натижада агрокимёвий самарадорлиги юқори бўлган тупроқ унумдорлигини яхшилайдиган органик минерал ўғитлар ассортиментини кенгайтириш имконини берган;

Қизилқум фосфорит мажмуасининг ММ самарали фойдаланиш орқали қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича Х-Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида Навоий кон - металургия комбинати Давлат корхонаси билан хўжалик шартномаси тузилган (2017 йил 11 майда № 661 рақам билан рўйхатга олинган). Натижада фосфоритли чиқиндини қайта ишлаш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган. Жумладан 8 та илмий мақола, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан чоп этиш тавсия этилган журналларда 4 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг объект

ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар тараққиёти устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, уларнинг амалиётга жорий этилиши баён қилинган, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши буйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи бобда **«Чорвачилик, паррандачилик чиқиндиларини ва ноқондицион фосфоритларни қайта ишлаш ҳолати»** адабиётлар шарҳи келтирилган, унда қора мол гўнги, парранда гўнги ва Марказий Қизилқум (МҚ) НФ тавсифи, уларни органик минерал ўғитларга қайта ишлаш усуллари ва қишлоқ хўжалигидаги ахамияти баён этилган. Чорвачилик, паррандачилик чиқиндиларни ва НФ фойдаланиш муаммосининг ҳар хил жиҳатлари кўрилган. Адабиётлар таҳлили чорвачилик, паррандачилик чиқиндиларни ва НФ юқори самарали органик минерал ўғитларга қайта ишлаш технологияларини ишлаб чиқиш ва қишлоқ хўжалигида қўллаш зарурлигини кўрсатмоқда.

Диссертациянинг **«Қора мол гўнги, парранда гўнги ва ноқондицион фосфоритлар асосида органик минерал ўғитлар»** деб номланган иккинчи бобида қора мол гўнги, парранда гўнги ва МҚ НФ таркиби, физик-кимёвий таҳлил ўтказиш услублари, шунингдек қора мол гўнги, парранда гўнги ва МҚ НФ асосида компост тайёрлаш йўли билан органик минерал ўғитлар олиш жараёнлари баён этилган.

Органик минерал ўғитлар олиш жараёнларини тадқиқ этиш учун органик хом ашё сифатида қуйидаги таркибдаги қора мол гўнги (оғир. %): 73,21 намлик; 4,32 кул; 22,56 органик моддалар; 2,58 ГК; 2,67 фулвокислота; 2,52 сувда эрийдиган органик моддалар; 14,79 эримайдиган органика; 0,18 P_2O_5 ; 0,43 N; 0,58 K_2O ; 0,4 CaO ва қуйидаги таркибдаги парранда гўнги (оғир. %): 64,78 намлик; 11,29 кул; 23,93 органик моддалар; 1,04 ГК; 7,27 фулвокислота; 1,28 СЭ; 1,25 P_2O_5 ; 0,95 N; 0,74 K_2O ; 1,55 CaO. Фосфорит хом ашёси сифатида қуйидаги таркибдаги ММ (оғир.%): 14,33 $P_2O_{5умум.}$; 9,01 $P_2O_{5ўзл.}$: $P_2O_{5умум.}$; 43,02 CaO; 1,19 MgO; 1,38 Fe_2O_3 ; 1,18 Al_2O_3 ; 2,22 SO_3 ; 14,70 CO_2 ; 13,23 эримайдиган қолдиқ; 3,0 $CaO_{умум.}$: $P_2O_{5умум.}$ ва қуйидаги таркибдаги ШФ ишлатилди (оғир. %): 14,33 $P_2O_{5умум.}$; 9,01 $P_2O_{5ўзл.}$: $P_2O_{5умум.}$; 43,02 CaO; 1,19 MgO; 1,38 Fe_2O_3 ; 1,18 Al_2O_3 ; 2,22 SO_3 ; 14,70 CO_2 ; 13,23 эримайдиган қолдиқ; 3,0 $CaO_{умум.}$: $P_2O_{5умум.}$. Фосфорит хом ашёси ишлатишдан олдин ҳовончада заррачалари 0,25 мм дан кичик ўлчамгача майдаланди.

Даствлабки қора мол ва парранда гўнгида ўтказилган хроматографик таҳлил уларнинг таркибида хўжайра шакилланишида материал ҳисобланадиган ва ўсимлик организмда кўплаб муҳим функцияларни бажарадиган деярли барча аминокислоталар мавжудлигини, масс-спектроскопик таҳлил эса ўсимликлар ўсиши ва ривожланишида зарур бўлган бир қатор микроэлементлар борлигини кўрсатди.

Қора мол гўнги, парранда гўнги ва НФ асосида компостлар даствлабки моддаларнинг кенг оғирлик нисбатларида тайёрланди. Фосфоритли компостлар 25°C ҳароратда 3 ой мобайнида етилтирилди. Таркибини

аниқлаш учун хар 15 кунда наъмуналар олинди. Натижалар 1-жадвалда келтирилган.

Жадвалдан кўриниб турибдики компостларда қора мол гўнгига нисбатан НФ улушини ошиши маҳсулотлардаги умумий P_2O_5 кўпайишига, аммо ўзлашувчан шаклдаги P_2O_5 нинг нисбий миқдорини камайишига олиб келди. Масалан, қора мол гўнги : ММ = 100 : 2 оғирлик нисбатда 3 ойлик сақлашдан сўнг компостда трилон Б ва 2% лимон кислота эритмаси бўйича P_2O_5 нинг нисбий миқдори дастлабки 16,57 ва 9,01% дан 69,44 ва 61,11% гача ошди, қора мол гўнги : ММ = 100 : 24 оғирлик нисбатда эса 3 ойлик сақлашдан сўнг компостда трилон Б ва 2% лимон кислота эритмаси бўйича P_2O_5 нинг нисбий миқдори мос равишда 43,81 ва 42,38 % ташкил этди. Агар қора мол гўнги : ММ = 100 : 10 оғирлик нисбатда 15 кунлик сақлашдан сўнг компостда трилон Б ва 2% лимон кислота эритмаси бўйича P_2O_5 нинг нисбий миқдори 32,74 и 23,89% бўлса, 30 кунлик сақлашдан сўнг ушбу кўрсаткичлар 39,82 и 30,97% тенг, 60 кунлик сақлашдан сўнг эса 52,21 и 46,02 %, 90 кун етилгандан сўнг эса 56,64 и 53,10 % ташкил этди. Яъни компостлаш даври ошиши билан маълум бир вақитга қадар фосфорни ўсимликлар ўзлаштира олмайдиган шаклдан ўзлаштира оладиган шаклга ўтиши сезиларли даражада ошмоқда.


1-жадвал

Компостларда фосфорнинг ўзлашувчан шаклини дастлабки моддалар оғирлик нисбатларига ва етилтириш давомийлигига боғлиқ ўзгариши

Қора мол гўнги : ФХ оғирлик нисбати	$P_2O_{5\text{общ.}}$, %	Трилон Б бўйича $P_2O_{5\text{ўзл.}}$ / $P_2O_{5\text{умум.}}$, %, сутка					
		15	30	45	60	75	90
Қора мол гўнги ва ММ асосида компостлар							
100 : 2	0,36	38,89	47,22	58,33	63,89	66,67	69,44
100 : 3	0,55	36,36	45,45	56,36	61,82	65,45	67,27
100 : 5	0,74	35,14	44,59	54,05	59,46	62,16	63,51
100 : 7	0,94	32,98	41,49	50,00	55,32	57,45	59,57
100 : 10	1,13	32,74	39,82	46,02	52,21	54,87	56,64
100 : 12	1,33	32,33	38,35	44,36	49,62	51,88	53,38
100 : 16	1,62	30,25	35,80	41,36	46,30	48,77	50,00
100 : 21	1,91	29,32	34,03	38,74	42,93	45,55	46,60
100 : 24	2,10	28,10	32,38	36,19	40,00	42,38	43,81
Қора мол гўнги ва ШФ асосида компостлар							
100 : 3	0,38	44,74	57,89	68,42	73,68	78,95	81,58
100 : 4	0,47	42,55	55,32	63,83	70,21	74,47	78,72
100 : 8	0,65	41,54	52,31	60,00	66,15	70,77	73,85
100 : 10	0,76	40,29	51,03	58,21	64,35	68,92	71,84
100 : 14	0,94	39,36	48,94	56,38	62,77	67,02	70,21
100 : 19	1,12	37,50	46,43	53,57	58,93	63,39	66,96
100 : 27	1,30	35,38	44,62	51,54	56,92	60,77	63,85

Шунингдек компостларда ГК, фулвокислота ва сувда эрийдиган органик моддалар миқдорларини ўзгариши дастлабки моддаларнинг оғирлик нисбатларига ва компостларни етилтириш даврига боғлиқлиги аниқланди.

Компостларни етилтириш даври ошиб бориши билан ГК, фулвокислота ва сувда эрийдиган органик моддалар миқдорлари ошиб бориши аниқланди. Агар қора мол гўнги : ММ = 100 : 2 оғирлик нисбатда 15 кунлик сақлашдан сўнг компостда ГК, фулвокислота ва сувда эрийдиган органик моддалар миқдорлари 2,38%, 2,48%, 2,32% ташкил этган бўлса, 30 кунлик сақлашдан сўнг ушбу кўрсаткичлар 2,63 %, 2,72%, 2,93 % тенг, 60 кунлик сақлашдан сўнг эса 3,17 %, 3,27%, 3,06 %, 90 кун етилгандан сўнг эса 3,41 %, 3,52%, 3,28 % ташкил этди. Таркиби бўйича худди шунга ўхшаш натижалар бошқа хом ашёлар ишлатилганда ҳам кузатилди.



1-расм. Компостларда азот ва органик моддаларни камайишини қора мол гўнги ва ФХ оғирлик нисбатларига боғлиқлиги. Дастабки хом ашё: А қора мол гўнги ва ШФ, Б –Қора мол гўнги ва ММ.

Биринчи расмда компостлаш жараёнида азотли ва органик моддаларни газ фазага ажралиши ҳисобига компостларда уларнинг миқдорини камайишини дастлабки компонентлар оғирлик нисбатларига боғлиқлиги келтирилган. Ундан кўриниб турибдики аралашмада ФХ улуши ошиши билан азотнинг йўқолиши камаймоқда. Мисол учун, дастлабки моддалар қора мол гўнги ва ММ оғирлик нисбати 100:0 дан 100 :25 ўзгарганда азотнинг йўқолиши 28,67 дан 13,26 % камаймоқда. Шунга ўхшаш натижалар органик моддаларни йўқолишида ҳам кузатилди.

Компост якуний маҳсулоти бу – гумификацияланган компост. Компост якуний маҳсулотида турғун, шу билан бирга маълум даражада гумификацияланган органик моддалар бўлиши керак. Компост таркибидаги органик моддаларни гумификацияланиш даражаси қанча юқори бўлса компост шунча сифатли ҳисобланади. Шунинг учун тайёр компостларни

сифатини аниқлаш учун органик моддаларни гумификацияланиш даражаси аниқланди.

Тайёр компостларда органик моддаларни гумификацияланиш даражасини ($C_{гум.}$) қуйидаги формула ёрдамида аниқланди:

$$C_{гум} = \frac{(G_{ГК} + G_{ФК} + G_{ВВ}) * 100}{G_1}$$

Бу ерда, G_1 – компостда органик моддаларни умумий миқдори, г; $G_{ГК}$ – ГК, г; $G_{ФК}$ – фулвокислота, г; $G_{ВВ}$ – сувда эрийдиган органик моддалар, г.

Гумификацияланиш даражасини ($C_{гум.}$) ҳисоблашда ГК, фулвокислота ва сувда эрийдиган органик моддалар қийматларини дастлабки компонентларнинг турли оғирлик нисбатида 90 сутка давомида этилтирилган компостларда аниқланган натижалардан фойдаланилди. Натижалар 2 ва 3 таблицаларда келтирилган. Таблицалардан кўришиб турибдики $C_{гум.}$ кўрсаткичларига компостга қўшилган ФХ оғирлик улуши сезиларли таъсир қилмоқда. Демак, тайёр компостларда қора мол гўнги ва ММ оғирлик нисбатларига боғлиқ равишда $C_{гум.}$ 52,54 дан 62,47% гача ўзгармоқда, яъни компостда фосфорит улуши ошиши билан $C_{гум.}$ ошмоқда.

2-жадвал

Компостларда органик моддаларни гумификацияланиш даражаси

Қора мол гўнги : ММ оғирлик нисбати	100 : 2	100 : 3	100 : 5	100 : 7	100 : 9	100 : 12	100 : 16	100 : 21	100 : 25
Гумификация даражаси, %	52,54	53,07	54,14	56,01	57,32	58,34	59,31	61,09	62,47

3-жадвал

Компостларда органик моддаларни гумификацияланиш даражаси

Қора мол гўнги : ШФ оғирлик нисбати	100 : 3	100 : 4	100 : 8	100 : 10	100 : 14	100 : 19	100 : 27
Гумификация даражаси, %	49,28	50,62	52,36	53,06	54,50	56,46	57,59

Мақбул оғирлик нисбат маҳсулотдаги умумий P_2O_5 нинг ўсимликлар ўзлаштира оладиган шаклга ўтиш ва органик моддаларни гумификацияланиш даражаси бўйича аниқланиши керак. Агрокимёвий ва иқтисодий нуқтаий назардан қора мол гўнг : ММ=100 : 10 мақбул оғирлик нисбат ҳисобланади, бунда трилон Б бўйича $P_2O_{5ўзл.}$ 56,64 % (1-жадвал) органик моддаларни гумификацияланиш даражаси эса 62,74 % (2-жадвал). Мақбул оғирлик нисбатларда қора мол гўнги ва ММ асосида олинган фосфор-гумусли ўғит

қуйидаги таркибга эга (оғир %): 1,13 $P_2O_{5\text{умум}}$; 0,64 $P_2O_{5\text{ўзл}}$ трилон Б бўйича; 0,60 $P_2O_{5\text{ўзл}}$ 2 %-ли лимон кислотаси эритмаси бўйича; 3,17 ГК; 3,29 фулвокислота; 3,05 сувда эрийдиган органик моддалар; 20,17 умумий органик моддалар.

ФХ хар хил йирикликдаги заррачалари (-0,16; -0,25+0,16; -0,5+0,25; -1+0,5; -3+2; -2+1; -5+3 мм) билан компостлар тайёрланганда хом ашёдаги умумий P_2O_5 ни ўсимлик ўзлашадиган шаклга ўтиш ва гўнгдаги органик моддаларни гумификацияланиш жараёнлари ўрганилди. ФХ дисперслиги қанча юқори бўлса компостларда P_2O_5 ни нисбий ўзлашувчан шакли шунча юқори бўлиши кўрсатилди. Энг кўп $P_2O_{5\text{ўзл}}$ трилон Б ва лимон кислотаси бўйича 58,72 и 69,72% мос равишда ФХ заррачалари 0,16 мм кичик бўлганда кузатилди.

Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқотлар натижалари компостлаш давомийлиги ошиши билан компостларда ГК, фулвокислота ва сувда эрийдиган органик моддалар миқдорлари ошишини, ушбу кислоталарни фосфоритлар билан таъсирлашуви натижасида эса фосфорнинг ўзлашувчан шакллари хам ортиб боришини кўрсатди. Компостларда ФХ оғирлик улуши ошиши билан органик моддаларни гумификацияланиш даражаси кўпаймоқда азот ва органик моддаларни йўқолиши эса камаймоқда.

Диссертациянинг «**Чорвачилик чиқиндилари ва Марказий Қизилқум ноқондицион фосфоритларини хар хил қўшимчалар билан компостлаш**» деб номланган учинчи бобида чорвачилик, паррандачилик чиқиндилари ва НФ асосидаги компостларга аммофос, PS-агро, супрефос, оддий суперфосфат, аммиакли селитра, аммоний сульфат, калий хлор, фосфогипс ва бентонит қўшиб тайёрланишини олинадиган ўғитлар таркибига таъсири келтирилган.

Компостлар органик чиқинди : НФ : қўшимча = 100 : 10 : (0,2-2) оғирлик нисбатларида тайёрланди. Қўшимча сифатида фосфогипс ва бентонит фойдаланилганда эса компостлар органик чиқинди : НФ : қўшимча = 100 : 10 : (2-20) оғирлик нисбатларида тайёрланди.

Натижалар кўрсатдики, қора мол гўнги : ШФ : қўшимча = 100 : 10 : 2 оғирлик нисбатларда аммофос, PS-агро, супрефос, оддий суперфосфат қўшиб тайёрланган компостларда умумий фосфорнинг миқдори мос равишда 1,372 дан 1,942; 1,741; 1,535; 1,372 % га ошди. Шунингдек компостлаш давомийлиги ортиши билан қўшиладиган қўшимча туридан қатий назар фосфорнинг ўзлашадиган шаклини нисбий миқдори ошди. Қўшимча сифатида аммофос, PS-Агро, супрефос, оддий суперфосфат, аммиакли селитра, аммоний сульфат, калий хлор қўшиб тайёрланган компостлар 90 кун етилтирилгандан сўнг $P_2O_{5\text{ўзл}}$ нисбий миқдори дастлабки 16,57 дан мос равишда 80,11%, 79,36%, 78,09%, 74,87%, 76,06%, 77,86%, 78,64% гача ошди.

Қўшимчалар қўшилиши шунингдек компостларда ГК, фулвокислота ва сувда эрийдиган органик моддалар миқдорларини ошишига хам таъсир этди. Агар қўшимчасиз тайёрланган компостларда 90 кундан сўнг ГК миқдори 3,49 % ташкил этса 2% миқдорда аммофос, PS-Агро, супрефос, оддий суперфосфат, аммиакли селитра, аммоний сульфат ва калий хлор қўшиб

тайёрланган компостларда ГК миқдори мос равишда 4,22%, 4,17%, 3,91%, 3,8%, 3,99%, 4,07%, 4,33% ташкил этди. Фулвокислота ва сувда эрийдиган органик моддалар миқдорлари ҳам худди шунга ўхшаш тартибда ошиши кузатилди.

Кўшимча сифатида фосфогипс ва бентонитдан фойдаланилганда бошқа кўшимчаларга нисбатан ўзгача ўзгариш кузатилди. Қора мол гўнги : ШФ : кўшимча = 100 : 10 : 2 оғирлик нисбатларда $P_2O_{5\text{ўзл}}$ нисбий миқдори 15 кундан сўнг дастлабки 16,57 дан мос равишда 44,05%, 43,96%, 90 кундан сўнг эса 72,15%, 72,01% гача ошди. Қора мол гўнги : ШФ : фосфогипс оғирлик нисбатини 100 : 10 : 2 дан 100 : 10 : 20 ўзгариши $P_2O_{5\text{ўзл}}$ нисбий миқдорини ошишига кам таъсир этди яъни у атига 72,03 дан 73,75% гача ошди. Қора мол гўнги : ШФ : бентонит оғирлик нисбатини 100 : 10 : 2 дан 100 : 10 : 20 ўзгариши эса $P_2O_{5\text{ўзл}}$ нисбий миқдорини аксинча 72,03 дан 70,38 камайтирди. Аммо фосфогипс ҳам бентонит ҳам компостларда ГК, фулвокислота ва сувда эрийдиган органик моддалар миқдорларини ошишига таъсир этди. Мисол учун фосфогипс кўшимчасиз тайёрланган компостларда 90 кундан сўнг ГК, фулвокислота ва сувда эрийдиган органик моддалар миқдори 3,49%, 4,17% ва 3,26 % ташкил қилса 2 % кўшиб тайёрланганда – 3,78%, 4,22% ва 3,38%, 20% кўшиб тайёрланганда эса мос равишда 3,72 %, 4,19% ва 3,30% ташкил этди.

Компостларда ГК иштирокида фосфоритлар парчаланиши механизмини ёритиш учун махсус тажрибалар ўтказилди. Соф ҳолдаги ГК қора мол гўнгидан тайёрланган компостдан ажратиб олинди. Бунинг учун компост наъмунаси 1 %-ли NaOH сувли эритмаси ёрдамида экстракцияланди. Гумин кислоталарни чўкмага тушириш учун фильтратга 5 %-ли HCl эритмаси билан ишлов бердик. Олинган чўкма хлор ионларидан сув ёрдамида тозаланди ва 70°C да ўзгармас массагача қуритилди. Компостдан ажратиб олинган ГК таркиби қуйидагича (%): намлиги 3,83; кули 6,63; углерод 51,11; водород 3,26; азот 3,76; кислород ва олтингугурт 41,87; функционал группалар; -COOH 5,02 мг-экв/г, -ОН 4,64 мг-экв/г.

ММ ва ШФ билан ГК таъсирлашуви қуйидагича ўрганилди. Таъсирлашувчи моддалар НФ ва ГК 1 : 0,1 дан 1 : 2 гача бўлган оғирлик нисбатда олинди. Моддаларни фарфорли ховончага солиб 15 дақиқа давомида бир хил ўлчамга эга бўлгунча майдаладик. Сўнгра уларни 250 мл ли колбага ўтказиб устидан 100 мл дистирланган сув қуйилди. Колбаларни ротацион аппаратга ўрнатиб, аралашмаларни 6 соат давомида аралаштирдик ва 25°C да 24 соат давомида ушлаб турилди. Сўнгра эритмаларни фильтрлаб фильтратдаги сувда эрийдиган P_2O_5 миқдорлари аниқланди. Чўкмаларни колбага қайтариб қуйилиб, трилон Б 0,2 М эритмасида эритилиб, ўзлашувчан шаклдаги P_2O_5 миқдорлари аниқланди.

Ўзлашувчан шаклдаги P_2O_5 миқдори дастлабки ММ да 12,34% ташкил этади. ГК билан 1 : 0,2 ўзаро оғирлик нисбатда таъсирлашувидан сўнг эса ММ ўзлашувчан шаклдаги P_2O_5 миқдори 18,01%, 1 : 2 оғирлик нисбатда эса ушбу кўрсаткич 60,46% гача ошди. Ўхшаш натижалар ШФ фойдаланилганда ҳам олинди.

Компостдан ажаратиб олинган ГК дастлабки ММ, ШФ ва уларнинг таъсирлашув маҳсулотларида ўтказилган кимёвий, ИҚ-спектроскопик, рентгенографик тадқиқотлар натижалари таъсирлашув реакциялари ГК корбоксил группалари ва ортофосфат анионларининг кальций ионлари иштирокида кислота асос механизми бўйича эримайдиган гумат кальций ҳосил бўлиши ва эрийдиган монокальцийфосфат ажралиши билан боришини назарий асослаш имконини берди.

Агрокимёвий, дастлабки хом ашё материалларини иқтисоди, маҳсулотдаги $P_2O_{5\text{ўзл}}$ нисбий миқдори ва органик моддаларни гумификацияланиш даражаси нуқтаи назардан дастлабки компонентлар мақбул нисбатлари ва компостлаш давомийлиги аниқланди. Қора мол гўнги ва ММ асосида компост тайёрлаш мақбул нисбати 100 : 10 ҳисобланади. Шунинг учун компост тайёрлаш бўйича тажриба синовлар дастлабки компонентларнинг юқорида қайд этилган нисбатларида ўтказилди.

Қора мол гўнги ва ММ асосида компост тайёрлаш бўйича тажриба синовлар Навоий тоғ-кон металлургия комбинатига қарашли “Дўстлик” агрофирмасида ўтказилди. Компост тайёрлаш учун 300 тонна қора мол гўнги ва 30 тонна ММ ишлатилди. Қора мол гўнгига ММ қўшиб компост тайёрлаш натижасида 215 тоннадан ортиқ қуйидаги таркибдаги фосфор-гумусли ўғити олинди (оғир %): 2,37 $P_2O_{5\text{сумум}}$; 74,87 $P_2O_{5\text{ўзл}}$: $P_2O_{5\text{сумум}}$; 3,80 ГК; 4,63 фулвокислота; 3,56 сувда эрийдиган органик моддалар. Олинган ўғитдан 21 тоннаси маккажўхори етиштириш учун, қолган қисми буғдой ўсимлигини озиклантириш учун фойдаланилди. Юқорида қайд этилган тартибда 2017 ва 2018 йилларда Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти тажриба майдонида 500 кг дан агрокимёвий синовлар учун органик минерал ўғитлар тайёрланди.

Диссертациянинг **“Марказий Қизилқум ноқондицион фосфоритлари ва парранда гўнги асосида органик минерал ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш”** деб номланган тўртинчи бобида озуқа моддалар йўқолишини бартараф этиш имконини берадиган НФ ва нитрат кислотадан фойдаланиб парранда гўнгини тезкор қайта ишлаш жараёнлари тадқиқотларини натижалари келтирилган. Қайд этиш керакки ҳозирги вақитда парранда гўнгини қайта ишлашнинг асосий усуллари қуйидагилар ҳисобланади: биотермик (компостлаш); термик қуритиш; анаэроб чиритиш. Шунингдек ушбу усулларни комбинациясидан ҳам фойдаланилади. Аммо барча ушбу усулларда органик моддаларни нафақат гумификацияланиши, уларнинг минераллашуви ҳам содир бўлади. Минераллашганда озуқа элементларининг катта йўқолиши, атмосферани, сув ҳафзаларини, тупроқ ва тупроқ ости сувларини токсикологик ва ноҳуш хидланадиган моддалар билан зарарланиши содир бўлади. Шунинг учун озуқа моддалар йўқолишини бартараф этиш имконини берадиган НФ ва нитрат кислотадан фойдаланиб парранда гўнгини тезкор қайта ишлаш жараёнлари ўрганилди.

Биринчи босқичда газ фазага аммиак ажралиб чиқишини тўхтатиш мақсадида дастлабки парранда гўнги нордонлаштирилди. Нордонлаштириш

7,6,5, ва 4 рН қийматларигача амалга оширилди. 100 г парранда гўнгини рН-7 гача нордонлаштириш учун 3,56 г 30 % ли нитрат кислота керак бўлди. ММ ва ШФга нордонлаштирилган парранда гўнги билан 70°С да 60 дақиқа давомида ишлов берилди. Қуритиш 80°С да, доналаштириш эса преслаш йўли билан амалга оширилди. ММ ва ШФ нордонлаштирилган парранда гўнги билан фаоллаштириш парранда гўнги ММ ва ШФ нисбатан 100 : 10 дан 100 : 30 гача бўлган оғирлик нисбатларда ўтказилди. Тажрибалар натижалари 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Нордонлаштирилган парранда гўнги ва ММ асосидги азот-фосфор-гумусли ўғитларнинг кимёвий таркиби


HNO ₃ нордонлаш- тирилган парранда гўнги рН	P ₂ O ₅ умум, %	$\frac{P_2O_{5\text{ўзл.}}}{P_2O_{5\text{умум}}}$, %	CaO _{умум.} , %	Органик моддалар, %	Гумус, %	N, %	рН
Парранда гўнги ва ММ оғирлик нисбати = 100 : 10							
7	5,34	37,68	12,51	46,89	15,06	2,63	6,78
6	5,21	48,74	12,20	45,75	14,70	3,16	6,17
5	5,04	62,38	11,79	44,20	14,20	3,86	5,01
4	4,97	74,48	11,64	43,63	14,02	4,16	4,39
Парранда гўнги ва ММ оғирлик нисбати = 100 : 15							
7	6,25	32,62	15,78	42,92	13,79	2,13	7,06
6	6,16	45,31	15,56	42,30	13,59	2,48	6,68
5	6,07	56,87	15,33	41,69	13,39	2,81	5,94
4	5,98	65,38	15,12	41,12	13,21	3,14	5,67
Парранда гўнги ва ММ оғирлик нисбати = 100 : 20							
7	6,93	27,35	18,35	39,14	12,57	1,95	7,29
6	6,84	41,21	18,10	38,62	12,41	2,26	6,96
5	6,75	48,32	17,86	38,11	12,24	2,57	6,53
4	6,66	52,31	17,64	37,64	12,09	2,87	6,21
Парранда гўнги ва ММ оғирлик нисбати = 100 : 25							
7	7,50	25,43	20,49	35,97	11,55	1,79	7,68
6	7,41	38,38	20,24	35,53	11,41	2,08	7,07
5	7,32	45,83	20,00	35,09	11,27	2,37	6,78
4	7,24	50,35	19,77	34,69	11,15	2,65	6,56
Парранда гўнги ва ММ оғирлик нисбати = 100 : 30							
7	8,05	23,51	22,47	33,50	10,76	1,67	7,89
6	7,95	36,46	22,22	33,12	10,64	1,94	7,21
5	7,86	41,66	21,97	32,74	10,52	2,21	6,97
4	7,78	47,32	21,73	32,40	10,41	2,47	6,72

Жадвалдан кўришиб турибдики, парранда гўнгини рН камайиши билан олинган маҳсулотларда ўзлашувчан шаклдаги фосфорнинг нисбий миқдори ошиб бормоқда. ГК ва органик моддалар умумий миқдори эса камаймоқда. рН 5 гача нордонлаштирилган парранда гўнги билан парранда гўнги : ММ =

100 :10 оғирлик нисбатда қайта ишланганда олинган ўғит қуйидаги таркибга эга (оғир %) 5,04 $P_2O_{5\text{умум}}$; 62,38 $P_2O_{5\text{ўзл.}}$: $P_2O_{5\text{умум}}$; 11,79 $CaO_{\text{умум}}$; 3,86 N ; 44,20 органик моддалар; 14,20 ГК. Худди шу оғирлик нисбатда ва рН да ШФ қайта ишланиб олинган ўғит қуйидаги таркибга эга(оғир %) 4,42 $P_2O_{5\text{умум}}$; 69,64 $P_2O_{5\text{ўзл.}}$: $P_2O_{5\text{умум}}$; 10,51 $CaO_{\text{умум}}$; 3,89 N ; 44,43 органик моддалар; 14,30 ГК.

Ўтказилган тадқиқотлар кўрсатмоқдаки, НФ нитрат кислотада нордонлаштирилган парранда гўнги билан ишлов берилганда ФХ бир қисми парчаланеди, қолган қисми карбонатсизланиши натижасида активланади, кальций ионларини бир қисми оксалат ва гуматларга ўтади, натижада фосфорнинг ўзлашувчан шакли ошади.

